

# ХАВФДАГИ ШИРК

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]



**Шайх Саидахмад Самарқандий**



**Мухаррир: Абу Абдуллох Шоший**

# الشرك في الخوف

[ الأوزبكي - Uzbek - Ўзбекча ]



الشيخ سعيد أحمد السمرقندي



مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Ширк икки турга бўлинади: катта ва кичик ширк. Катта ширк тавҳидга зид бўлган, кишини диндан чиқарадиган ширкдир. Катта ширкнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ҳақида ўтган мақолаларимизда айтиб ўтдик. Қуйида катта ширкнинг ҳануз зикр қилинмаган бошқа бир турлари ҳақида сўз юритамиз:

### 1– Хавф (қўркиш)даги ширк

Уламолар хавфни шундай таъриф қилишган: “Аниқ ёки даргумон бўлган аломатдан келиб чиқиб бирон нохушлик етишини тахмин қилиш”. Хавф уч қисмга бўлинади:

- Биринчи тур хавф махфий хавфдир. Бундай хавф инсоннинг бирон ирим ёки хурофотдан, Аллоҳдан ўзга ибодат қилинадиган шахслардан, ўликлардан, кўздан ғойиб бўлган бирон жин ёки инсонлардан унга бирон нохушлик ёки зиён етишидан қўркишидир. Аллоҳ таоло Худ алайҳиссалом ва унинг қавми ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни ҳикоя қилиб шундай дейди: **“Бизлар фақат: “Сени худоларимиздан бири эсингни оғдириб қўйган”, деймиз, холос”**. Худ айтди: **“Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан, яна ўзларингиз ҳам гувоҳ бўлингларки, мен сизларнинг Аллоҳни қўйиб, (Унга сохта-ёлғон худоларни) шерик қилишингиздан безорман. Ана энди барчангиз бир бўлиб, ҳеч кечиктирмай менга қарши билган ҳийлангизни қилаверинглар”** [Худ: 54-55]. Дарҳақиқат, Макка мушриклари ҳам Расу-

лulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламни ўзларининг бут-санамлари билан кўрқитган эдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Улар Аллоҳдан ўзга ибодат қиладиган бут-санамлари билан сизни кўрқитмоқчи бўладилар”** [Зумар: 36]. Мана шу тариқа Аллоҳдан бошқасидан кўрқиш бугунги кунда қабрларга ва бошқа турли хурофотларга сиғинадиган кимсалардан юз бермоқда. Улар қабрлардаги “авлиё”ларидан кўрқадилар, шунингдек, тавҳид аҳли уларни қабрлар ва бу каби хурофотларга сиғинишдан қайтарсалар, холис Аллоҳга ибодат қилишга чақирсалар, уларни ўз “худо”лари билан кўрқитадилар. Бу турли хавф – кўрқиш энг муҳим ибодат турларидан бири бўлиб, фақат Аллоҳдангина бу тарзда кўрқиш ва кўрқитиш жоиздир. Аллоҳ таоло айтади: **“Шундай экан, агар мўмин бўлсангизлар мушриклардан кўрқмангиз, Мендан кўрқингиз”** [Оли-Имрон: 175]. Аллоҳ таоло яна шундай дейди: **“Шундай экан улардан кўрқмангиз, Мендан кўрқингиз”** [Бақара: 150]. Бундай хавф диннинг энг катта ва улуғ мақомларидан биридир. Ким мана шундай суратда Аллоҳдан бошқасидан кўрқса, шубҳасиз диндан чиқарадиган катта ширк келтирган бўлади. Аллоҳнинг ўзи сакласин.

- Иккинчи тур хавф инсон кимлардандир кўрқиб зиммасида вожиб бўлган ишни қилмаслигидир. Бу тариқа кўрқиш ҳаром ва кичик ширк бўлган кўрқувдир. Аллоҳ таолонинг кўйидаги сўзида хавфнинг ушбу тури зикр қилинади: **“Ундай зотларга айрим кимсалар: “Қурайш одамлари сизларга қарши (саноксиз лашкар) тўплаган,**

кўрқингиз!”, деганларида бу гап уларнинг иймонларини янада зиёда қилди ва: “Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У зот энг яхши – ишончли вакилдир!” — дедилар. Оқибат, у юришдан бирон нохушлик етмай, Аллоҳнинг неъмат ва фазли билан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг ризолигини истадилар. Аллоҳ эса улуг фазлу марҳамат соҳибидир. Албатта ўша (сизларни васвасага солмоқчи бўлган) шайтоннинг ўзидир. У сизларни ўзининг дўстларидан (кофирлардан) кўрқитмоқчи бўлади. Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан кўрқмангиз, Мендан кўрқингиз!” [Оли Имрон: 173-175]. Шунингдек, Ибн Можа Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилган куйидаги ҳадисда ҳам айнан хавфнинг мазкур тури назарда тутилган: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Ҳеч бирингиз ўзини камситмасин”. Саҳобалар айтдилар: “Эй Расулulloҳ, қандай қилиб киши ўзини камситади?”. У зот жавоб бердилар: “Киши бир ишга гувоҳ бўлади. Аллоҳ бу ишда унинг зиммасига айтиши керак бўлган сўзни юклаган бўлади-ю, бироқ у бу сўзни айтмайди. Шунда Аллоҳ таоло унга қиёмат куни: “Фалон вақтда фалон сўзни айтишдан сени нима ман қилди?” – дейди. Шунда у: “Одамлардан кўрқдим”, – дейди. “Мендан кўрқишликка ҳақлироқ эдинг”, – дейди Аллоҳ таоло”.

- Учинчи тур хавф табиий кўрқувдир. Бу тур кўрқув душман, йиртқич ҳайвон ёки бошқа шу каби нарсалардан кўрқишдир. Бундай кўрқув айб саналмайди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссалом

киссасида шундай дейди: **“У шаҳардан кўркув ичра ҳар томонга аланглаган ҳолда чикди”** [Қасос: 21].

Хавфнинг биринчи тури – махфий хавф энг катта ибодат турларидан бири бўлиб, бундай хавф билан ёлғиз Аллоҳдан кўрқиш вожибдир. Шунингдек, иккинчи тур хавф ҳам ибодатга тааллуқли бўлган, уни тўлдирувчи хавф турларидандир. Аллоҳ таоло **“Бас, агар мўмин бўлсангизлар, улардан кўркмангиз, Мендан кўрқингиз!”**, дея мўминларни Ўзидан бошқа ҳар қандай мавжудотдан кўрқишдан қайтаради ва уларни ёлғиз Ўзидан кўрқишга буюради. Агар мўминлар фақат Аллоҳдангина кўрксалар ҳамда қолган барча ибодат турларини якка Аллоҳга бағишласалар, Аллоҳ уларга истаган нарсаларини ато этади ва уларни хавф-хатарлардан Ўзи асрайди. Аллоҳ таоло айтади: **“Аллоҳ Ўз бандасига кифоя қилувчи эмасми?! Ҳолбуки, мушриклар Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган бут-санамлари билан сизни кўрқитмоқчи бўладилар”** [Зумар: 36].

Имом Ибн Қаййим роҳимахуллоҳ шундай дейди: “Аллоҳнинг душмани Иблиснинг макр-ҳийлаларидан бири – мўминларни ўзининг кўшини ва малайларидан кўрқитмоқлигидир. Мақсад – мўминларнинг уларга қарши жанг қилмаслиги, амри маъруф ва наҳий мункар қилмаслигига эришиш. Аллоҳ таоло бу шайтоннинг макр-ҳийласи ва мўминларни кўрқитишга уриниши эканини маълум қилди, бизларни улардан кўрқишдан қайтарди. Мўмин кишининг иймони кучайгани сари шайтон малайларидан кўрқиши йўқолиб бораверади. Аксинча, иймони заифлашгани сари улардан кўрқиши

кучайиб боради. Аллоҳ таоло айтади: **“Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, намозни тўқис адо этган, закотни (ҳақдорларга) ато қилган ва ёлғиз Аллоҳдангина кўрқадиган зотларгина обод қилурлар. Ана ўшалар хидоят топгувчи зотлар бўлсалар, ажабмас”** [Тавба: 18].

Аллоҳ таоло мазкур ояти каримада маълум қилишича, масжидларни фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган, иймон келтирганда ҳам чин қалбдан иймон келтириб, аъзолари билан солиҳ амаллар қилган ва фақат Аллоҳдангина кўрққан зотлар обод қилурлар. Аллоҳ таоло мушриклар масжидларни обод қилиши мумкин эмаслигини айтгач, мазкур сифатларга эга бўлган мўминларгина Аллоҳнинг уйлари обод қилишини уқтиради. Негаки, масжидларни обод қилиш тоат-ибодат ва солиҳ амаллар билан амалга ошади. Мушрик одам эса ҳар қанча амал қилмасин, унинг амали **“ташна одам уни сув деб ўйлаган, олдига келиб қараса ҳеч нарса топмаган сахродаги саробга”** [Нур: 39] ёки **“бўронли кунда қаттиқ шамол учуриб кетган кулга”** [Иброҳим: 18] ўхшайди. Бордию, бирон амалнинг аҳволи шу бўлса, ундай амалнинг боридан йўғи яхши.

Масжидларни чинакам обод қилиш ихлос ва тавҳидга ҳамда ширк, бидъат ва хурофотлардан холи бўлган соғлом ақидага асосланган солиҳ амаллар қилиш билан амалга ошади. Масжидларни обод қилиш масжидга фақат ғишт ва мармар ўрнатиш, турли-туман нақшлар чизиш ва унинг биносини жимжимадор қилиб қуриш билан ёки қабрлар устига бино қилиш билан

бўлмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилган кимсаларни лаънатлаганлар. Аллоҳ таолонинг юқоридаги оятдаги **“ва ёлғиз Аллоҳдангина кўрқадиган зотлар”**, деган сўзининг тафсирида Ибн Атийя роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Аллоҳдан Уни улуғлаш, Унга тоат-ибодат қилиш ва бўйсунуш билан кўрққан кишиларни назарда тутяпти. Акс ҳолда, шак-шубҳа йўқки, инсон шундоқ ҳам дунёда унга етадиган талофатлар ва хавф-хатарлардан эҳтиёт бўлади. Муовия розияллоҳу анҳу мўминларнинг онаси Ойша розияллоҳу анҳога мактуб йўллайди. Мактубда Ойша розияллоҳу анҳодан унга насиҳат қилишни, бироқ насиҳатнинг қисқа ва лўнда бўлишини илтимос қилади. Шунда Ойша розияллоҳу анҳо унга қуйидагича мактуб йўллайди: “Муовияга. Ассалому алайкум. Аммо баъд: мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: “Кимда ким одамлар норози бўлсада Аллоҳнинг розилигини истаса, Аллоҳ унга одамлардан келадиган фойда ва зиёнларга Ўзи кифоя қилади. Кимда ким Аллоҳни норози қилиб одамларни рози қилиш пайида бўлса, Аллоҳ уни одамларга ташлаб кўяди”, вассалом” (Абу Нуайм “Ҳиля”да ривоят қилган). Ибн Ҳиббон мазкур асарни “Саҳиҳ”ида қуйидагича ривоят қилади: “Кимда ким одамлар норози бўлсада Аллоҳнинг розилигини истаса, Аллоҳ ундан рози бўлиб, одамларни ҳам ундан рози қилиб кўяди. Кимда ким Аллоҳни норози қилиб одамларни рози қилиш пайида бўлса, Аллоҳ ундан норози бўлади ва одамларни ҳам норози қилиб кўяди”.

Шайхулислом Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ шундай дейди: “Ойша Муовияга мактуб ёзади. Ривоят қилинишича, у мактуб мазмунини Расулуллоҳ соллаллоҳу



алайхи ва салламга нисбат беради: “Кимда ким одамлар норози бўлсада Аллоҳнинг розилигини истаса, Аллоҳ унга одамлардан келадиган фойда ва зиёнларга Ўзи кифоя қилади. Кимда ким Аллоҳни норози қилиб одамларни рози қилиш пайида бўлса, одамлар уни Аллоҳдан келадиган бирон нарсадан беҳожат қила олмайдилар”. Бу марфуъ ривоятнинг матни, ҳадиснинг мавкуф ривоятининг матни эса қуйидагича: “Кимда ким одамлар норози бўлсада Аллоҳнинг розилигини истаса, Аллоҳ ундан рози бўлиб, одамларни ҳам ундан рози қилиб қўяди. Кимда ким Аллоҳни норози қилиб одамларни рози қилиш пайида бўлса, уни мақтайдиган одамлар ҳам ёмонлайдиган бўлиб қолишади”. Бу диндаги энг катта ва муҳим тушунчалардан биридир. Зеро, ким одамлар норози бўлсада Аллоҳнинг розилигини истаса, демак, у Аллоҳдан тақво қилган, Унинг солиҳ бандасига айланган бўлади. Маълумки, Аллоҳ солиҳ бандаларига ғамхўр, уларга Ўзи кифоядир. **“Ким Аллоҳдан тақво қилса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни пайдо қилур ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур”** [Талок: 3-4]. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ таоло бундай кишига одамлар томонидан келадиган фойда-зарарга кифоя қилади. Бироқ барча одамлар ундан рози бўлсалар ҳам, улардан умид қилган нарсаси ҳосил бўлмаслиги ёки олдини олмоқчи бўлган зарар даф бўлмаслиги мумкин. Одамлар турли-туман дунёвий ғаразлардан саломат бўлиб, барча ишларнинг оқибати уларга маълум бўлсагина ундан рози бўладилар. “Кимда ким Аллоҳни норози қилиб одамларни рози қилиш пайида бўлса, одамлар уни Аллоҳдан келадиган бирон нарсадан беҳожат қила олмайдилар”. Бундай кимса охир-оқибат

надоматдан қўлларини тишлайди, ўзига зулм қилгани қолади, холос.

Уни мақтаб юрганлар ёмонлай бошлашига келсак, бу жуда кўп содир бўладиган, натижа шунинг билан тугайдиган ишдир. Негаки, ҳар қандай ҳолатда оқибат тақвонинг ғалабаси билан тугайди” (Иқтибос тугади).

Мазкур ҳадиснинг турли ривоятлари орқали бизга маълум бўладики, инсон ўз амали билан гарчи одамлар норози бўлсаларда Аллоҳнинг ризосини истаса, иккита катта ютуқни: Аллоҳнинг розилиги ва одамларнинг розилигини қўлга киритар экан. Аксинча, инсон амали билан Аллоҳни норози қилсада одамларни рози қилиш пайида бўлса, у ҳолда иккита зиёнга: Аллоҳнинг ғазаби ва одамларнинг нафратига дучор бўлар экан. Демак, Аллоҳ таолони рози қилиш бутун яхшиликларни ўзида жамласа, Аллоҳни ғазаблантириш орқали фақат одамларни рози қилиш барча ёмонликларни ўзида мужассам қилар экан. Аллоҳдан саломатлик ва офият сўраб қоламиз.

Яна шуни билишимиз зарурки, Аллоҳдан кўрқкиш умид ва муҳаббат билан бирга бўлиши лозим. Негаки, фақат кўрқувнинг ўзи инсонни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлишга олиб бориши мумкин. Мўмин киши кўрқув ва умид ўртасида Аллоҳ сари юриб боради. У Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўладиган даражада фақат кўрқувга ҳам берилиб кетмайди ёки Аллоҳнинг макридан хотиржам бўладиган даражада фақат умидга ҳам кўнгиш боғламайди. Чунки Аллоҳнинг раҳматидан умидсизланиш ва Унинг макридан хотиржам бўлиш тавҳидга зиддир. Аллоҳ таоло айтади: **“Аллоҳнинг макридан хотиржам – омондамилар?! Билиб қў-**

**йинги, Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавмларгина хотиржам бўлурлар” [Аъроф: 99]. “Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур” [Юсуф: 87]. “Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўлурлар” [Ҳижр: 56].**

Исмоил ибн Рофеъ роҳимахуллоҳ айтади: “Банданинг гуноҳ ишда давом этавериб, Аллоҳдан мағфират умид қилиши Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлишидир”.

Уламолар айтадилар: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш ва Унинг макридан хотиржам бўлишнинг ҳар иккиси катта гуноҳдир. Мўмин киши фақат хавфга суяниб қолиб, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслиги ёки фақат умидга суяниб қолиб, Аллоҳнинг азобидан хотиржам бўлиб қолмаслиги керак. Балки Аллоҳдан ҳам кўрқувчи, ҳам умид қилувчи бўлиши, гуноҳлари сабаб унга азоб-уқубат етишидан кўрқиб, Аллоҳга тоат-ибодат қилиб, раҳматидан умидвор бўлиши лозим. Аллоҳ таоло пайғамбарлари ҳақида шундай дейди: **“Дарҳақиқат, улар (яъни мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошилар ва Бизга рағбат ва кўрқув билан дуо-илтижо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим-итоат қилгувчи эдилар”** [Анбиё: 90]. **“Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан кўрқурлар. Парвардигорининг азоби кўрқинчлидир”** [Исро: 57].

Қўрқув ва умид бирлашса, улар иккиси бандани амал қилишга ва фойдали сабаб – воситаларни ишга солишга ундайди. Зеро, бандада умид бўлса, савоб олиш мақсадида тоат-ибодат қилади, қўрқув бўлса азоб-укубатдан қўрқиб гуноҳ ишлардан четланади. Бироқ инсон Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлса, солиҳ амал қилишдан тўхтаб қолади, Аллоҳнинг азоб-укубатидан хотиржам бўлса, у ҳолда гуноҳ ишларга интилади.

Айрим уламолар айтишича, кимда ким Аллоҳга фақат муҳаббат билан ибодат қилса сўфий, кимда ким фақат қўрқув билан ибодат қилса ҳарурий (хавориж), кимда ким фақат умид билан ибодат қилса муржий, кимда ким муҳаббат, қўрқув ва умид билан ибодат қилса, ана ўша мўминдир. Зотан, Аллоҳ таоло Ўзининг энг сара бандаларини мазкур сифатлар билан сифатлаб шундай дейди: **“Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир”** [Исро: 57]. Шунингдек, Аллоҳ таоло қўрқув томонига этибор бермай, гуноҳ ишларга шўнғиб кетган ва укубатдан хотиржам бўлган кимсаларни “зиён кўрувчилар” деб номлади. Аллоҳ таоло айтади: **“У қишлоқларнинг аҳли бало-қазойимиз тунда, ухлаётган ҳолларида келиб қолишидан хотиржам бўлиб қолдиларми? Ёки у қишлоқларнинг аҳли бало-қазойимиз чошгоҳ пайтида, ўйин-кулги қиладиган ҳолларида келиб қолишидан хотиржам-милар? Улар Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлиб**

**қолдиларми? Бас, Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўргувчи қавмгина хотиржам бўлур**” [Аъроф: 97-99].

Юқоридаги оятларнинг маъноси:

Аллоҳ таоло пайғамбарларни ёлғончига чиқарган, куфр ва гуноҳ ишларда матонат билан давом этган ўлкалар аҳолисининг ҳолини зикр қилар экан, уларни бунга ундаган нарса Аллоҳнинг макридан хотиржамлик ва Ундан кўркмаслик эканини айтди. Аллоҳнинг макри дегани – банда Аллоҳга осий бўлиб, Уни ғазаблантирсада, Аллоҳ унга неъматларини беришда давом этавериши, банда эса бу Аллоҳнинг розилигидан даракчи, деб ўйлаши, ҳолбуки, бу уни аста-секин азоб-уқубат сари етаклашидир. Аллоҳ таоло кофирларга турли неъматлар ва фаровон ҳаёт ато этиши билан уларни азоб-уқубат сари етаклар экан, улар Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлдилар, пайғамбарларга осий бўлиб, гуноҳ ишларда давом этавердилар. Охиروқибат, Аллоҳ таоло уларни ҳалок қилди ва улардан кейинги авлодларни уларнинг қилмишини қилишдан ва натижада кофирларга етган азоб-уқубат уларга ҳам етишидан огоҳлантирди. Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Ерга илгариги эгаларидан кейин меросхўр бўлаётган кимсаларга агар хоҳласак, гуноҳлари сабабли уларга ҳам мусибат етказиб қўйишимиз наҳот маълум бўлмаса? Биз уларнинг дилларини ана шундай муҳрлаб қўюрмиз. Сўнг улар ҳеч қандай панд-насихатга қулоқ солмай қўядилар**” [Аъроф: 100]. Баъзи уламолар шундай дейдилар: **“Банданинг кўркуви бир неча ишлардан пайдо бўлади:**

Биринчиси: жинойт содир этгани ва унинг қабих эканини билиши.

Иккинчиси: Аллоҳ таоло бу жиноятга жазо тайин қилганига ишониши.

Учинчиси: гуноҳга қўл урса, эҳтимол ундан тавба қилиш насиб қилмаслиги, тавба қилишга улгурмай қолиши мумкинлигини билиши.

Мазкур уч иш орқали гуноҳ қилишдан олдин бандада кўркув бўлади, гуноҳга қўл ургач эса кўркуви янада ортади.

Анбиёлар (уларга Аллоҳнинг саломи бўлсин) асло Аллоҳдан умидини узмас ва ҳар қанча бало-кулфатлар кучайса ҳам, моддий имконият ва воситалар заиф бўлса ҳам Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмас эдилар. Мана Аллоҳнинг халили Иброҳим алайҳиссаломга қаранг. Ўзининг ёши кексайган, хотини эса фарзанд кўриши умид қилинмайдиган бир ҳолатда бўлишига қарамасдан фаришталар унга фарзанд хушхабарини келтирганларида шундай деган эди: **“Парвардигорининг фазлу раҳматидан фақат адашган кимсаларгина ноумид бўлурлар”** [Ҳижр: 56]. Негаки, Иброҳим алайҳиссалом бу иш Аллоҳнинг қудрати ва раҳмати олдида ҳеч нарса эмаслигини билар эди. Шундоқ бўлсада у фаришталарга қарата: **“Менга кексалик етган пайтида (фарзанд кўришим ҳақида) хушхабар келтирдингизми? Энди менга (бу ёшимда) ниманинг ҳам хушхабарини етказар эдингизлар?”** [Ҳижр: 54], деди. У бу сўзни Аллоҳнинг буюк қудрати ва чексиз раҳмати ҳақида тафаккур қилиш ва ундан таажжубланиш тарзида айтди. Ёхуд Аллоҳнинг набийси Яъқуб алайҳиссалом ҳаётига бир назар солинг. Фарзандларини йўқотиши сабаб аҳволи оғирлашиб, мусибати кучайган бир пайтда Аллоҳга бўлган умиди,

Унинг раҳматига бўлган иштиёқи янада ортди ва хузуридаги ўғилларига шундай деди: “Эй ўғилларим, **боринглар, Юсуф ва унинг укасини изланглар ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмгина ноумид бўлур**” [Юсуф: 87], “Энди менинг ишим чиройли сабр қилмоқдир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг (яъни Юсуф, Бинёмин ва катта ўғлимнинг) барчаларини бағримга қайтарса. Албатта, У зот билим ва ҳикмат соҳибидир” [Юсуф: 83].

Ва ниҳоят, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларида бу борада биз учун катта ўрнак ва намуналар бор. Аллоҳ таоло айтади: “**Уни кофирлар икки кишининг бири бўлган ҳолида (яъни, бир ҳамроҳи билан Маккадан) ҳайдаб чиқарганларида, унга Аллоҳ ёрдам берди-ку! Ўшанда икковлон ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: “Ғамгин бўлма, шубҳасиз, Аллоҳ биз билан биргадир”, дер экан, Аллоҳ унинг устига хотиржамлик туширди...**” [Тавба: 40]. Кўриб турганингиздек, энг машаққатли дамларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Аллоҳга бўлган умиди ортди. У зотнинг ўзлари умматларига таълим бериб шундай деганлар: “Билгинки, енгиллик-фаровонлик бало-кулфат билан биргадир”<sup>1</sup>. Аллоҳ таоло кўп гуноҳ қилган, катта жиноятлар содир этган бандаларининг қилмишлари уларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлишга ва бу гуноҳлардан тавба қилмасликка ундаб қўйишидан қайтариб шундай

<sup>1</sup> Ибн Самъун “Ал-Амоли” да (223), Байҳақий “Ал-асмо ва сифот”да (126) ва Аз-Зиё “Ал-мухтора”да (3385) Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилишган.

дейди: “(Эй Мухаммад), Менинг ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга: “Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли ва меҳрибондир”, деб айтинг” [Зумар: 53].

Кўриб турганингиздек, Аллоҳ таоло бандалари гуноҳларининг кўплиги уларни тавба қилмаслик ва Аллоҳнинг мағфиратидан ноумид бўлишга ундаб қўйишидан қайтарди. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Аллоҳнинг раҳматидан умидсизланишни гуноҳи кабиралардан санадилар. Ибн Аббос розияллоху анхумо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам гуноҳи кабиралар тўғрисида сўралганларида “Аллоҳга ширк келтириш, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш ва Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлиш”, деб жавоб бердилар. Чунки Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлиш Аллоҳ тўғрисида ёмон гумон қилиш, Унинг раҳмати ва мағфиратининг кенглигини билмасликдир. Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлиш эса Аллоҳни ва Унинг кудратини яхши билмаслик ҳамда банданинг ўзига ишониб қолиши ва бино қўйишидир. Бу ҳадисда банда мудом кўрқув ва умид ўртасида бўлишига ишора бор. Инсон Аллоҳдан кўрқар экан тушкунликка тушмаслиги, балки Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиши, Аллоҳдан умидвор бўлар экан умид уни буткул Аллоҳнинг азоб-уқубатидан хотиржам қилиб қўймаслиги лозимдир. Баъзи салафлар банданинг соғлом пайтида кўрқув томонига урғу бериши, касаллик чоғида ва ўлим тўшагида эса умидга кўпроқ кўнгили буришини мустаҳаб санаганлар.



Демак, қалбнинг кўрқув ва умид ўртасидаги мувозанати инсонни солиҳ амаллар қилиш, гуноҳлардан йироқ бўлиш ва тавбага шошилишга ундайди. Бироқ қалб мувозанати бузилиб, кўрқув ёки умиддан бири оғиб кетса, у ҳолда бу албатта амал ҳаракатини ишдан чиқаради, тавба йўлини тўсади ва охир-оқибат бандани ҳалок қилади. Аллоҳ таолонинг кўрқув томонига бепарво қараган ва оқибатда ҳалокатга учраган собиқ умматлар ҳақида ҳикоя қилиб берган қиссаларда иймон аҳли учун яхши ибрат ва эслатмалар бор.

Мисол тариқасида Худ алайҳиссалом қавмининг оқибатига назар ташлаш кифоя. Улар ўз пайғамбарларига шундай деган эдилар: **“Сенинг ваъз-насиҳат қилишинг ёки насиҳат қилгувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун баробардир (яъни бизларга панд-насиҳат қилиб овора бўлма).** Албатта бу (айширатга берилиб умр ўтказиш) аввалгилардан қолган одатдир. Бизлар азоблангувчи эмасмиз”. Бас улар (Худни) ёлғончи қилишгач, Биз уларни ҳалок этдик” [Шуаро: 136-139].

Шундай қилиб, кўрқиш ва умид қилиш ёлғиз Аллоҳга қаратилиши вожиб бўлган энг муҳим ибодат турларидан бири бўлиб, бу икки ибодатни ўрнига қўймаслик тавҳидга путур етказиши ва ақидани бузиши муқаррардир.

